

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgz.uz • www.adolatgz.uz • www.adolat.uz • № 31 (941) • 2013-yil, 2-avgust, juma

Мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар сафидан мустақкам ўрин олиши, эртанги тараққиёти кўп жиҳатдан юксак билим ва малакага эга кадрларга боғлиқ. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юксак билим ва тафаккурли авлодни тарбиялашга қаратилган доимий эътибор замирида ана шундай эзгу интилиш — буюк давлат барпо этиш мақсади мужассамдир.



Билим ва тафаккур синови

1 август кун мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртида тест синовлари бўлиб ўтди



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши жамият ҳаётининг барча жабҳаси учун пухта билим ва юқори касб малакасига эга мутахассислар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг 2011 йил 20 майда қабул қилинган «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори таълимнинг барча босқичи, жумладан, олий таълим тизимини замон талаби даражасида такомиллаштириш-

га қаратилган доимий эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир. Тест синовлари мамлакатимиздаги барча олий таълим даргоҳи каби Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ҳам муваффақиятли ўтказилди. Университет қабул комиссияси раисининг ўринбосари Одина Жамолдинованинг таъкидлашича, жорий йилда мазкур олий ўқув юртига 15,6 мингдан ортиқ ариза тушган. Бакалаврият йўналиши бўйича 1660 нафар ёш талабалар сафига қабул қилинади. Таълим соҳасидаги муттасил ўзгаришлар жараёнини инобатга олган ҳолда жорий йилдан мазкур университетда хотин-қизлар

спортни бўйича янги йўналиш ташкил этилди. Мамлакатимизда ёшларнинг жаҳон андозалари даражасида билим эгаллаши, ҳар жиҳатдан етуқ мутахассис бўлиб етишиши масаласига доимий эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори хорижий тилларни ўқитиш тизимини такомиллаштириш, бу йўналишда кадрлар тайёрлашнинг сифат жиҳатдан юқори поғонага кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

3 ➤

“ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК КЕРАК” РИСОЛАСИ ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ЭЪТИБОРИДА

Бугунги кунда халқаро вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, давлатлараро зиддиятларнинг кучайиши, кескинликнинг янада ортиши, ер юзининг турли нуқталарида янги низо ўчоқларининг пайдо бўлиши — айни мана шундай ўткир масалалар жаҳон жамоатчилигида катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

Бу фикримизга кўшни Афғонистондаги ўттиз йилдан зиёд давом этаётган уруш ва қон тўкишлар яққол мисол бўла олади. Бугун, орадан шунча вақт ўтишига қарама-масдан, Афғонистондаги мавжуд вазиятни кўпчилик халқаро сиёсатчилар ночор, ўта оғир ва қалтис, деб баҳоламоқда. Ушбу мамлакатдаги вазият бизнинг ҳудудимиз, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар бўлиб қолмоқда. Бу можаронинг ечимини топиш, жафокаш афғон заминини да тинч ва осуда ҳаётни қарор топтириш масаласи Ўзбекистон ва кўшни мамлакатлар, қолаверса, дунёдаги кўпгина йирик давлатларнинг эътибор марказида бўлиб келаётгани, ўттиз йилдан ортиқ тарих давомида бу минтақада қанча-қанча қон тўкилгани, миллионлаб одамлар бошқа ўлкаларда қочок бўлиб кун кечираётгани, минглаб кишилар беда-

рак йўқолгани, қанча маблағ ва сарф-харолатлар сарфлангани ҳақида кўп гапириш мумкин. Афғонистон заминидеги уруш алангаси ён-атрофдаги мамлакатлар, эл-юртимиз учун қандай катта хавф-хатар ва нотинчлик туғдиргани ҳеч қимга сир эмас. Шу боис, Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунларданок “Кўшнинг тинч — сен тинч”, деган азалий халқ ҳикматида амал қилиб, афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш ҳаракатида бўлиб келаётгани, бу муаммо доимо бизнинг эътиборимиз марказида тургани, давлатимиз раҳбарининг нуфузли халқаро минбарларда бу қарама-қаршиликни бартараф этиш мақсадида жон куйдириб, дунё ҳамжамиятига такрор ва такрор мурожаат қилгани барча-мизга яхши маълум.

2 ➤

Ҳуқуқий эксперимент
Фуқаро кузатувчи эмас, иштирокчига айланса
қонун лойиҳасини такомиллаштириш, бошқарувда очиқликни таъминлаш, ахборот олиш ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш имкониятлари кенгайди
6 ➤



Жаннатмонанд юртда яшашнинг ўзи бир бахт...

Ифтихор

Инсон учун ҳаётда ҳалол меҳнат қилиш, эл-юрт ардоғида бўлишдан ҳам каттароқ бахт бўлмаса керак. Тошкент вилояти, Бекобод туманининг Найман қишлоқ фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Абдукарим ота Қўлдошев ана шундай бахтга эришган пиру бадавлат отахонлардан бири.

8 ➤

Муҳокамада дастурий ғояларга мос қонун лойиҳалари

Қонунчилик

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг қонун лойиҳалари муҳокамаларига бағишланган навбатдаги йиғилишида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, шу асосда фермерлар фаолиятининг молиявий барқарорлиги ва самардорлигини ошириш учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида ишлаб чиқилган «Фермерлик фаолиятини ташкил этиш янада такомиллаштирилиши ва фермерлик ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.



3 ➤

Бугунги кун талаби: депутатлик гуруҳлари фаолиятини ривожлантириш ва бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш

Демократик блок йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Миллий тиклавиш» демократик партиясининг парламентдаги фракцияларини ўзида бириктирган Демократик блокнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамиятнинг демократлаштиришининг муҳим ва зарурий шарт сифатида кўппартиявийлик тизимининг қонунчилик асосларини янада ривожлантириш, шунингдек, жойлардаги давлат ҳокимияти вакилик органларида партиялараро рақобат муҳитини кучайтириш ва кенгайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш каби муҳим масалалар муҳокама қилинди.

3 ➤

Ижтимоий муҳофаза — ютуқлар омили
5 ➤

“ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК КЕРАК” РИСОЛАСИ ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ЭЪТИБОРИДА

Давон. Бош 1-бетда

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов бундан йигирма йил аввал, яъни 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Афғонистон мижозларини жаҳон ҳамжамияти ёрдами билан ҳал этишга чарқиди.

1995 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғонистонга қурол-ярғоқ киритилишига қарши халқаро эмбарго қўйиш тақлифи билан чиқиб, бу мамлакатнинг ички ишларига ташқи қўлларнинг аралашувига чек қўйиш зарурлигини таъкидлади, Афғонистонда коалицион ҳукумат тузиш моделини тақлиф этди.

1997 йили мамлакатимиз раҳбари афғон муаммосини ҳал қилиш учун “6+2” мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббуси билан чиққани ва 1999 йили мазкур гуруҳнинг Тошкент учрашуви бўлиб ўтганидан барчамиз хабардормиз.

2001 йилда Президентимиз БМТ Бош қотибига йўллаган мурожаатида Афғонистонни демилитаризация қилиш масаласини БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши кун тартибига қўйиш тақлифини илгартирди.

2008 йилда НАТОнинг Бухарест саммитида БМТ шафелиги остида “6+3” мулоқот гуруҳини ташкил этиш тақлифи билан чиқди.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Ана шундай муҳим ҳужжатлар қаторида давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси ва шу асосда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонуни минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш лозим.

Президентимиз 2013 йил 9 майда Хотира ва қадрлаш қуни муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьосида ўз эътиборини яна бир бор Афғонистондаги мавжуд воқеаларга қаратиб, ушбу муаммонинг нақадар жиддийлиги ва унинг ечими бўйича қандай амалий ҳаракат ва чора-тадбирлар зарурлиги хусусида сўз юритди.

Юртбошимизнинг ана шу интервьосини ўз ичига олган, ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилган “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” рисоласи бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотмоқда, кенг муҳокама қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, Афғонистондаги мавжуд ўта оғир ва таҳликали бир вазиятда АҚШ ва Европа давлатларининг АЙСЕФ, яъни тинчлик ўрнатиш кучлари деб ном олган ҳарбий қўшинларининг 2014 йилнинг охиригача ушбу мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши билан Афғонистонда ўзаро қарама-қарши кучлар ўртасидаги қурашнинг авжига чиқиши, террорчилик, қурол-ярғоқ савдоси, наркотрафик, турли диний, миллатлараро низоларнинг кучайиб, фуқаролар урушининг яна қайтадан бошланиш хавфи ортади.

Президент Ислам Каримов афғон мижозларини бартараф этишни ягона йўли — сиёсий йўл бўлиб, қанчалар қийин бўлмасин, қарама-қарши кучларнинг музоқаралар орқали ўзаро келишувга олиб келиш экани тобора ўз тасдигини топайётганини алоҳида таъкидлади. Айна шу аснода вақтинчалик ҳукумат тузиш, сайловлар ўтказиш, Афғонистон олдидан турган оғир муаммоларни ҳал этишга ўтиш имкони пайдо

булишни бугунги кунда кўпчилик эътироф этмоқда.

Юқорида зикр этилган Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолият концепциясида мамлакатимиз “тинчликсевар сиёсат юритиши ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди”, деб аниқ-равшан баён қилинган. “Ўзбекистон қўшни давлатлардаги қуролли мижозларга ва кескинлик ўчоқларига тортилишининг олдини олиш юзасидан барча зарур чора-тадбирларни кўради, шунингдек, ўз ҳудудидан хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектиларни жойлаштирилишига йўл қўймайди”, дея таъкидланади.

Шу борада мамлакатимиз раҳбарининг мазкур концепцияга асосланган ҳолда билдирган қуйидаги фикрларни келтириш ўринлидир: “Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистонга қарши қаратилган турли ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик, Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкорликнинг фақатгина икки томонлама асосда ташкил қилиш, афғон халқи танлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўзига маъқул топади”.

Бундай қатъий, шу билан бирга, узққни кўзлаган, чуқур ўйланган сиёсатни олдинга суриш учун Афғонистоннинг яқин қўшнисини бўлмиш Ўзбекистонда барча асослар бор. Авваламбор, бу Афғонистон билан узок тарихий ўтишига бориб тақаладиган яхши қўшничилик, ўзаро ҳурматга асосланган алоқаларимиз, мамлакатимизнинг Марказий Осиёда тугган алоҳида ўрни ва минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилган мустаҳкам ва собитқадам ташқи сиёсатидир.

Айнан мана шу омиллар сабаб, “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” рисоласида минтақамиз ва унинг атрофида рўй бераётган кескин ўзгаришлар таҳлили, Афғонистондаги вазият ва афғон муаммосини ҳал этиш борасида билдирилган амалий ҳулоса ва тақлифлар бугун нафақат мамлакатимизда, балки халқаро майдонда ҳам кенг акс-садо бермоқда. Чет давлатларнинг сиёсий-ижтимоий, эксперт ва илмий-академик доиралари, оммавий ахборот воситалари ва халқаро ташкилотлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда ва бахс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Энг аввало, давлатимиз раҳбарининг фикрларига бевосита Афғонистоннинг ўзида катта қизиқиш кузатилмақда. Президентимизнинг интервьоси ушбу давлатнинг етакчи оммавий ахборот воситаларида инглиз, дари ва ўзбек тилларида нашр этилди. Жумладан, Афғонистоннинг етакчи “Daily Outlook Afghanistan” газетаси, “Сахро” ижтимоий-сиёсий журнали интервьонинг тўла матнини “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” сарлавҳаси остида чоп этди.

Ислам Каримов интервьоси Афғонистон билан қўшни бўлган Покистоннинг “Balochistan today” ва “Ittihad” газеталарида, Эроннинг “Iran News” газетасида ва Хитойнинг “Lookwe” журналида, АЙСЕФ иштирокчилари бўлмиш АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Бельгия, Латвия, Туркия ҳамда мусулмон дунёсида ўз мавқеига эга бўлган Саудия Арабистони, Қувайт, Малайзия ва бошқа давлатларнинг босма ва электрон нашрларида кенг ёритилди.

Таъкидлаш жоизки, хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мақолаларда Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва

барқарорликнинг ишончли тарафдори экани ва ушбу мақсадлар учун фаол сиёсий-диплаomatik саъй-ҳаракат кўрсатаётганлиги алоҳида ургуланмоқда. Энг муҳими, барча нашрлар Ўзбекистоннинг принципиал позицияси — Афғонистондаги низоли бартараф этишни ягона йўли — сиёсий йўл эканлигини тўлалигича қўллаб-қувватлаган ҳолда, мазкур муаммонинг ечимига ўзаро курашаётган қарама-қарши томонларни музоқаралар столи атрофида тўплаш ва уларни муросасга олиб келиш орқали эришиш мумкинлигини эътироф этишмоқда.

Интервьодо Президент Ислам Каримов томонидан Афғонистон борасида билдирилган фикр ва тақлифлар жаҳоннинг етакчи сиёсатчилари, эксперт ва олимлари томонидан ҳам қизгин муҳокама этилиб, юқори баҳоланмоқда.

Жумладан, АҚШнинг Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раҳбари Фредерик Старрнинг таъкидлашича, Президент Ислам Каримов Афғонистондаги вазиятни “ўта оғир ва нозик” дея аниқ ва равшан таҳлил этди. Бугунги кунда афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслигини реал фикрлай оладиган ҳар бир инсон тушуниб етмаслиги мумкин эмас.

Нью-Йорк давлат университети профессори П.Морвиж Афғонистондан чет эл ҳарбий кучларининг олиб чиқиб кетилиши бу мамлакатдаги вазиятни тангликка олиб келиши мумкинлигини қайд этган ҳолда, Президент Ислам Каримовнинг бу борадаги сўзларини ўз халқининг тинчлиги ва осийшталлигини таъминлаш ҳақида қайғурадиган чинаяк давлат раҳбарининг ҳаракатидир, деб изоҳлайди. Мана шу сабаб, Ислам Каримов Афғонистондаги асосий кучларни ўзаро қарама-қаршиликларни музоқаралар столи атрофида ечиши, ҳарбий тўқнашувларнинг янгитдан авж олиб кетмаслигига ва ушбу давлатдаги беқарорликнинг қўшни давлатларга тарқалишининг олдини олишга қақирмоқда, дейди П.Морвиж.

АҚШнинг Карнеги фонди эксперти М.Олкотт Ўзбекистон афғон муаммоси атрофидаги ўзгаришнинг ўйинларига қўшилмаслигини ва жанубдаги қўшнисини билан муносабатларини фақатгина икки томонлама асосда, ички ишларга аралашмаслик, тинчликсеварлик ва яхши қўшничилик принциплари асосида қуришини ижобий баҳолайди. Америкалик мутахассис Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг Афғонистонга етказиб берилиши ушбу давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий тикланишига улкан ҳисса қўшаётганини таъкидлайди. Икки давлатни боғлаб турувчи темир йўл ҳамда тезюрар автотомобил йўлларининг барпо этилиши Афғонистон иқтисодийтини тиклашда муҳим аҳамият касб этаётганига эътиборини қаратади.

М.Олкотт, “Ўзбекистон, шубҳасиз, бундан кейин ҳам ўзининг икки томонлама муносабатлари доирасида Афғонистонни иқтисодий ва ижтимоий тиклаш жараёнида муҳим роль ўйнайди”, дея ишонч билдирди.

Британия — Ўзбекистон ҳамияти раиси лорд Ф.Понсонби Ўзбекистон раҳбарияти Афғонистондаги ҳозирги вазиятни чуқур англаши ва уни келажакдаги ривож борадида қайғураётганини таъкидлаган ҳолда, Ислам Каримов томонидан илгари сурилган БМТ шафелиги остида “6+3” мулоқот гуруҳининг ташкил этилиши афғон муаммоси-

ни тинч йўл билан ҳал қилинишида муҳим роль ўйнаган бўлур эди, деб ҳисоблайди. Британиялик сиёсатчининг фикрича, Афғонистондаги ўтиш жараёнида ва бу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда барча қўшни давлатларнинг иштироки катта аҳамият касб этади.

Буюк Британиянинг Кембриж университети профессори С.Саксенанинг қайд этишича, Президент Ислам Каримов ўта чигал ва мураккаб ҳисобланмиш афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш учун батамом янгича концептуал ёндашушни тақлиф этиб, уни содда, лўнда ва қучли мантқиққа таянган ҳолда баён этди. Хусусан, Ўзбекистон раҳбари асосий эътиборни афғон халқи ва жамиятини жипслаштиришга қаратиш, ҳар қандай шароитда ҳам, авваламбор, афғон халқининг иродасига таяниш лозимлигини таъкидлади. Айнан мана шундай ижобий ёндашувгина Афғонистонда неча ўн йиллардан буюн давом этаётган зўравонлик ва қон тўқилишини тўқатиш мумкин, деб ҳисоблайди олим.

С.Саксенанинг сўзларига қўра, “Афғонистон, ўз назорати ва геомониясини ўтказишга ҳаракат қилаётган бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистондек тинчлик ва ҳамкорликка қорлаётган ишончли қўшничи борлигидан фаярланса арзийди”.

“Менга Ислам Каримовнинг Хотира ва қадрлаш куннда билдирган фикрлари, айниқса, уруш инсоният учун нақадар дахшатли қиргин экани, бу офатнинг олдини олиш ва тинчлик-осойишталикни асраш дунёдаги ҳар бир инсоннинг бурчи эканини куюниб айтган сўзлари ниҳоятда қаттиқ таъсир қилди, — дейди германиялик эксперт Ф.Лемке. — Ўзбекистоннинг тинчликсевар ташқи сиёсати ориштиш, дунёни қайтадан бўлиб олишга интилаётган давлатларнинг турли хил геосиёсий йўлиларидеа иштирок этмаслиги ҳам менда катта таассурот қолдирди”.

Ф.Лемкенинг фикрича, Ўзбекистон Президентининг “тинчликсиз ривожланиш бўлмайди, ривожланишсиз эса келажак ҳам бўлмайди” деган сўзларини ҳеч қим инкор эта олмади. Шундай экан, Ислам Каримовнинг ўз халқига, қўшни халқлар ва жаҳондаги барча давлатларга Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ҳақидаги қақирғи эзгулик ва ривожланишга қаратилган тақлифларни қўллаб-қувватлаш нақадар муҳим эканлигини, ҳарбий йўл билан ҳеч қандай муаммонни ечиб бўлмаслигини англайди.

“Президент Ислам Каримов Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принципларини мамлакат мустақиллигининг 22 йиллик байрамини нишонлаш арафасида яна бир бор очик ва равшан баён этди”, — дейди Францияда жойлашган Европа келажак ва хавфсизлигини таққик қилиш институти раҳбари Э.Дюпюи. Мутахассиснинг сўзларига қўра, Ўзбекистоннинг ҳар қандай ҳарбий-сиёсий блокларда ва ҳарбий интервенцияларда иштирок этмаслик принципи кўнуний асосга эга. Тошкентнинг бундай стратегияси Афғонистон билан икки томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантиришга ёрдам беради, дея ишонч билдирди Э.Дюпюи.

Францияда чиқадиган “Les milleux des empires” таҳлили журналининг бош муҳаррири С.д’Изарнинг таъкидлашича, Ислам Каримов интервьоси Ўзбекистон раҳбариятининг Афғонистондаги вазият борасида билдирётган асосли ташвишлари билан бирга, ҳар қандай шароитда ҳам Ўзбекистоннинг ушбу давлат билан яхши қўшничилик алоқаларига таянган

қатъиятли позициясини кўрсатади.

2014 йил охирида АЙСЕФ қўшинларининг Афғонистондан олиб чиқилиши вазиятини янада кескинлаштириб юбориши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, С.д’Изарн ушбу мuddатга қадар Президент Ислам Каримовнинг умуафғон сиёсий музоқараларини бошлаш ва зарурий келишувларга эришиш кераклиги ҳақидаги фикр ва тақлифлари жаҳон ҳамжамияти томонидан сўзсиз қўллаб-қувватланиши лозим, деб ҳисоблайди.

Бельгия Сенати аъзоси Доминик Тильманс “Жаҳон” ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьосида шундай деди: “Мен Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган интилашлари билан мулақо ҳамфикрман. Албатта, минтақадаги вазият оддий эмас. Бу борада Ўзбекистоннинг турли ҳарбий блокларга қирмаслик ва уларда қатнашмаслик позицияси мулақо тўғри ва долзарбдир”.

“Биз Ислам Каримовнинг Хотира ва қадрлаш куннда Ўзбекистон Афғонистонга нисбатан икки халқнинг тул манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сиёсат олиб боради, деган сўзларини тўлиқ қўллаб-қувватлашимиз”, дея таъкидлайди Хитойнинг Ижтимоий фанлар академияси хузуридаги Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиёни таққик этиш институти ходими Су Чан.

Мутахассиснинг фикрига қўра, Хитой ва Ўзбекистон Афғонистоннинг қўшинлари сифатида ушбу мамлакатдан коалицион кучларнинг чиқиб кетишидан сўнг юзага келиши мумкин бўлган салбий вазият борасида жиддий ташвишланмоқда. “Биз Афғонистон муаммоси фақат афғон халқи томонидан ҳал этилиши, ҳар қандай ташқи кучларнинг аралашуви эса бу мамлакатдаги ахволни янада оғирлаштириши ва минтақавий хавфсизликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблаймиш. Шу билан бирга, Афғонистонга кўрсатилаётган иқтисодий ва гуманитар ёрдамни янада кучайтириш зарур”, дейди Су Чан.

Япониянинг Шарқий Осиё таққикотлари институти директори У.Магосанинг фикрича, Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизлигини таъминлаш, халқаро терроризм, экстремизм ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланувига қарши кураш сиёсати Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши учун энг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

“Ҳақиқатан ҳам, Афғонистондан халқаро кучларнинг олиб чиқиб кетилиши миллатлараро мижозларнинг кучайишига ва чуқурлашишига олиб келиши мумкин. Шу сабабдан, Афғонистондаги мавжуд муаммоларнинг муваққат ҳукумат тузиш ва сайловлар ўтказиш йўли билан ҳал этиш кечиктириб бўлмайди, деб фикр қилиш керак. Бу мураккаб жараёнда энг муҳим омил — янги сиёсий орган тузиш йўлида Афғонистоннинг турли сиёсий гуруҳлари орасида умумий келишувга эришишидир. Ушбу жараёнда ҳал этувчи бугун сифатида БМТ ва НАТО каби халқаро ташкилотлар, шунингдек, қўшни мамлакатлар иштирок этиши лозим. Муваққат ҳукуматини тузилиши Афғонистонда барқарор давлатчиликни шакллантириш ва кўпмиллатли афғон халқининг тинч-тотув яшаш учун қулай шароитлар яратишга имконият туғдиради”, деб ҳисоблайди У.Магосани.

Япониянинг Ниагата университети профессори Шигеки Хакаманининг таъкидлашича, Афғонистон ҳудудида ташқи кучларнинг “катта геосиёсий ўйини” майдон бўлиб қолмоқда — улар Афғонистондаги вазиятдан фойдаланиб

ўз таъсир доираларини кенгайтириш ва мавқеларини кучайтиришга ҳаракат қилишмоқда. Эътиборлиси шундаки, Афғонистондаги вазиятнинг ўта нозиклиги ва унинг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келишига қарамадан, ҳанузгача жаҳон ҳамжамияти ва расмий Қобул афғон муаммосини ҳал этиш бўйича ягона бир фикрга келмади, дея фикр билдирди япониялик мутахассис.

Малайзиянинг собиқ Ташқи ишлар вазири ўринбосари, “Геракан” партияси раисининг ўринбосари, сенатор Кохилай Пилай Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги олиб бораётган сиёсати ва афғон муаммосини ҳал этишдаги ташаббус ва саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди. Унинг фикрича, Афғонистоннинг қўшнисини сифатида Ўзбекистон бошқа давлатларга нисбатан ушбу мамлакатда рўй бераётган мураккаб сиёсий жараёнларни аниқ ва чуқур ҳис эта олади. Шунинг учун ҳам, Президент Ислам Каримов жаҳон ҳамжамияти эътиборини Афғонистонда ўзаро курашаётган томонлар ўртасида келишувга эришиш зарурлигини ва унинг асосида барча этник ва диний гуруҳлар манфаатини ифода этувчи коалицион ҳукумат тузишга жалб этмоқда. Фақат шу йўл билангина бу мамлакатда тинчлик ўрнатиш мумкин, дея таъкидлайди К.Пилай.

Малайзиялик яна бир эксперт, “Binary” университети профессори Зуфлиқ Хожи Сентери: “Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари учун улкан бозорга эга бўлган Осиё ва Тинч овозида давлатларга энг яқин масофа билан чиқиш имкониетини яратди. Бу эса ушбу минтақаларда жойлашган мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқаларни янада ривожлантиришга катта туртки беради. Шуларни инобатга олган ҳолда, АСЕАН ташкилотига кирувчи давлатлар ҳам Афғонистонда тинчлик ва осийшталлик ўрнатилишидан ғоят манфаатдор”, дея таъкидлайди.

Латвияда жойлашган Болтиқ халқаро академияси профессори И.Стеценконинг сўзларига қўра, Ислам Каримовнинг яхши қўшничилиги, ўзбек халқининг осийшталлиги ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган оқилона сиёсати нафақат Марказий Осиё, балки Европа давлатларининг ҳам тинчлик ва хавфсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўшади. “Ишончим комилки, Ибн Сино, Улуғбек, Беруний ва Навоий каби буюк алломаларнинг фалсафаси ва дунёқарашларини ўзида мужассам этган ўзбек халқи ўз аждодларининг меросини давом эттирган ҳолда, халқлар ва давлатлар ўртасида тинчликни сақлаш, маданий ва маърифий ҳамкорликни кучайтириш, донишмандлик, одамийлик ва бағрикенгликни тарғиб этади”, дейди И.Стеценко.

Мухтасар қилиб айтганда, Президент Ислам Каримовнинг жорий йилнинг 9 май куни Хотира ва қадрлаш қуни муносабати билан берган интервьосига хорижий мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари, сиёсий, академик, эксперт ва таҳлилий доира вакиллари томонидан билдирилётган фикр-мулохазалар Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича чуқур ўйланган позицияси жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганининг яққол далилидир.

“Жаҳон” ахборот агентлиги

Пенсия жамғармаси

“Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тўб мақсади амалдаги пенсия тизимини ислоҳ қилишдан иборат бўлиб, у асосан бозор иқтисодиёти шароитида пенсия ёшидаги фуқароларимизни моддий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш, иш берувчиларнинг ўз ходимлари моддий аҳволни яхшилашдаги масъулиятни кучайтириш, амалдаги пенсия тўловларига қўшимча даромад олиш манбаларини яратиш, қолаверса, кексалик чоғида фуқароларнинг ўз форовонлиги учун шахсий жамғармаларини шакллантиришга замин ҳозирлаш каби масалаларни ҳам қамаб олади.

Эртани бугундан ўйла

Қонуннинг 6-моддасида иш берувчиларнинг, шунингдек, меҳнат фаолиятини шартнома асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимига иштирок этиши мажбурийлиги кўрсатиб ўтилган. Демак, бу пенсия ёшида меҳнат фаолиятини давом эттираётган фуқароларга ҳам тааллуқли. Хўжалик субъектларида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган фуқаролар мазкур тизим субъектларига айландилар ва унда мажбурий иштирок этадилар. Бунда улар-

нинг ойлик иш ҳақларидан бир фоизли микдордаги маблағ ҳисобланган даромад солиғи суммасидан чегириб ташланган ҳолда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб ва рақаларига ўтказилади. Эътиборли жиҳати, қонуннинг 5-моддасида жамғариб бориладиган пенсия тизимига иштирок этувчи фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб ва рақаларида жамғариладиган маблағларнинг сақланиши ва тўланиши давлат томонидан қафолатланган.

Иш берувчиларга қулайлик яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирилр Маҳкамасининг 2011 йил 24 майдаги 145-сонли қарорига асосан ўзгартришлар киритилди. Унга қўра эндиликда иш берувчи ҳар ойда реестрни жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ягона маълумотлар электрон базаси форматдаги электрон ҳужжат кўринишида шакллантиради ҳамда электрон манбаларда жойлардаги “Халқ банки” филиалларида тақдим этиб боради ёки бевосита умумий фойдала-

нидаги коммуникациялар тармоғи орқали банкнинг ахборот тизимига узатади. Шунингдек, жамғариб бориладиган пенсия мажбурий бадалларининг ўз вақтида ва тўлиқ киритилишини таъминламаган шахсларга нисбатан солиқ қонунчилигида тегишли чоралар қўлланилиши белгиланди. Таъкидлаш жоизки, 2010 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси “Халқ банки”даги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб ва рақаларига иштирий равишида йўналтириладиган суммаларига жисмоний шахслардан олинмадиган даромад солиғи солинмади. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимининг жорий этилиши фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда уларга кексалик гаштини суриш имкониетини яратди.

Ш.АБДУҚОДИРОВ,
Бектемир тумани ДСИ
булим бошлиғи ўринбосари

Бугунги кун талаби:

депутатлик гуруҳлари фаолиятини ривожлантириш ва бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш

Давоми. Бошқ 1-бетда

Маълумки, Юртбошимиз мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳоли турмуш сифати, иқтисодий туб ўзгаришлар самарадорлигини изчил юксалтириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти кўп жиҳатдан жамиятимизда маънавиятни, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, ижтимоий фаолиятини оширишга боғлиқлигини кўп бора таъкидлаган эдилар. Қўшма йиғилиш иштирокчиларининг фикрича, бу вазифаларни ҳал этиш, биринчи навбатда, сиёсий партиялар, уларнинг вакиллик органларидаги депутатлари фаолиги ва фаолияти самарадорлигини янада кучайтиришнинг тақозо этади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП, O'zLiDeP ва ЎзМТДП фракцияларининг қўшма йиғилишида «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ ташаббуслар атрофида муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида мамлакатимизда сиёсий тизимни эркинлаштириш, сиёсий қарашлар, фикрлар, позициялар хилма-хиллигини таъминлаш, партиялараро рақобатни ривожлантиришга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, сўнгги икки йил давомида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган

Концепцияга мувофиқ, мамлакатимиз Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, сайлов қонунчилиги такомиллаштирилди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламентига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу давлат ва сиёсий қўрилиш тизимида вакиллик ҳокимиятининг аҳамияти ва ролини янада кучайтириш, ҳокимиятнинг ижро тармоғи органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ролини тубдан ошириш, уларнинг фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш учун мустақам қонунчилик асосларини яратди.

Бирок бугунги тезкор давр бундан буён ҳам кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг, айниқса, уларнинг ҳудудий ташкилотлари ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ролини янада кучайтиришнинг тақозо этмоқда.

Эътироф этиш керакки, партия гуруҳларининг ҳудудларни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларини сифатли ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолияти мазмун-моҳиятига таъсири сезиларли кучайиб бораётти. Масалан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ турли муаммоларни ҳал этиш бўйича 2012 йилда Ўзбекистон «Адолат» СДП ташаббуси билан 41 та, ЎзМТДП партия гуруҳлари ташаббуси билан 51 та таклиф халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари муҳокамага ки-

ритилди. Уларнинг аксарияти бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. O'zLiDeP депутатлари ташаббуси билан олти вилоятнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида инвестициявий фаолиятни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш линияларини модернизация қилиш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ва бошқа масалаларга қаратилган мақсадли ҳудудий дастурлар қабул қилинди. Партиялар гуруҳларининг аҳоли муносабатлари бўйича ишида ҳам сифатли ўзгаришлар кузатилмоқда. «Демократик кучлар блоқи» ўтказилган йиғилиш ақунларини умумлаштирган ҳолда, ижобий ўзгаришларга қарамай, партия гуруҳларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги фаолияти мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичи талабларига ҳар доим ҳам жавоб бермаслигини қайд этди. Хусусан, йиғилиш иштирокчилари жойларда ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш, уларни очик-ошқора муҳокама этишга тўққинлик қилаётган қатор камчилик ва хатоларга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Бу, биринчи навбатда, сиёсий партияларнинг жойлардаги ижроия ҳокимияти фаолияти устидан жамоат назоратини амалга ошириш борасида етарлича фаоллик кўрсатмаётганига тааллуқлидир. Ваҳоланки, маҳаллий Кенгашларда у ёки бу партия электорати манфаатларини 6100 дан зиёд де-

путатлар ҳимоя қилмоқда ва улар 650 дан ортқ партия гуруҳларини ташкил этишган.

Қўшма йиғилиш қатнашчилари жойлардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги партия гуруҳлари фаолияти самарадорлиги ва уларнинг фаолигини оширишга доир аниқ ва ҳар томонлама пухта ўйланган таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганини қайд этди. Шу сабабли улар Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш муҳимлигини таъкидладилар.

Мазкур ташаббус сиёсий партияларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партиялар гуруҳлари ваколатлари ва мажбуриятларини кучайтиришга қаратилгандир. Масалан, бу партия гуруҳларини ташкил этиш шартли қоидаларини қонунчилик жиҳатдан янада аниқ белгилаш, уларга қўшимча ваколатлар бериш, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларида қўрилган ва хал этилаётган масалалар юзасидан партия гуруҳлари таклифларининг кўриб чиқилиши шартлиги тааллуқлидир.

— Депутатлар маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятининг ташкилий жиҳатлари билан боғлиқ бир қатор масалаларни ҳам атрофида муҳокама қилдилар, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Ойша Ахунова. — Хусусан, қонунчиликда «партия гуруҳи» тушунчасига аниқ таъриф бериш, партия гуруҳини ташкил этиш



тартиби ва шартларини аниқ кўрсатиш, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида партия гуруҳини ташкил этиш учун депутатларнинг энг кам миқдорини беш нафар этиб белгилаш борасидаги таклифлар ўртага ташланди. Албатта, фракциямиз аъзолари бундай фикрлар атрофида эътиборли борадаги таклифларни қўллаб-қувватлайди. Таклиф этилаётган ўзгаришлар қонунчиликда ўз аксини топса, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг ваколатлари ва ҳуқуқлари сезиларли даражада кучайишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, илгари сурилган таклифлар орасида партия гуруҳларини тегишли вакиллик органни комиссиялари раислигига, раис ўринбосарлигига ва аъзолигига номзодлар бўйича

таклифлар киритиш, муайян ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбари ҳисоботини сессияда эшитиш ташаббуси билан қиш қаби ваколатлар билан янада кучайтириш назарда тутиляпти.

Муҳокамалар якунида Демократик блок фракциялари аъзоларидан иборат ишчи гуруҳи тuzилди. Унинг зиммасига билдирилган фикрларни инobatга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифларни умумлаштириш ва тегишли тартибда Қонунчилик палатаси муҳокамага киритиш учун тайёрлаш вазифаси юклатилди. Депутатлар, шунингдек, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолияти билан боғлиқ қонун нормаларини такомиллаштириш юзасидан билдирилган фикрларни ҳам

янада такомилга етказиш мақсадида жойлардаги депутатлик корпуси вакиллари иштирокида ҳудудий семинарлар ва дастурий мақсадли ўтказишни режалаштириб олдилар.

Мухтасар айтганда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида илгари сурилаётган ушбу ташаббус сиёсий партияларнинг келгусида ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишдаги ролини янада ошириш, уларнинг ўз Сайловолди платформаси ва дастурий мақсадларини амалга оширишдаги фаолиятларини, шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Илос САХАТОВ

Муҳокамада

дастурий ғояларга мос қонун лойиҳалари

Давоми. Бошқ 1-бетда

Мазкур қонун лойиҳаси орқали «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги, «Дехқон ҳўжалиги тўғрисида»ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига тузатишлар киритилмоқда.

Қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди. Муҳокамалар асносида депутатлар Ўзбекистон «Адолат» СДП позициясидан келиб чиққан ҳолда ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Алишер АКРАМОВ,
фракция аъзоси:

— Вазирликлар ва идоралар ишининг сифатини муттасил ошириб бориш, расмиётчилик кўринишларини йўқ қилиш, қабул қилинадиган қарорлар пухта ва ҳар томонлама ишлаб чиқилишини партиямиз ҳаммага ёқлайди. Буларнинг барчаси бошқарув услублари бугунги кун вазифалари ва талабларига монанд бўлишини талаб қилади. Шу сабабли, фракциямиз давлатнинг иқтисодий-иқтисодий иштирокини қўллаб-қувватлаган ҳолда, киритилаётган ўзгаришлар республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан фермер ҳўжалиқларини давлат томонидан ва бошқача тарзда қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирларини таъминлашга қаратилганини алоҳида эътироф этади.

Жумладан, фермерлар кенгашлари фермер ҳўжалиқлари манфаатлари йўлида даъволар билдирганда, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда давлат божини тўлашдан озод этили-

ши назарда тутилган қўшимчанинг Солиқ кодексига киритилаётгани, айниқса, аҳамиятлидир. Мазкур ҳуқуқий норманинг киритилиши суднинг демократиклиги, очиклигини таъминлаш, фермер ҳўжалиқларини суд йўли билан ҳимоя қилиш соҳасини кенгайтириш имконини беради.

«Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига қўшимча ва ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам киритилмоқда қилинди. Фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳаси мажбурий сугурта бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган мажбуриятлар бажарилиши устидан давлат бошқаруви тегишли органларининг назоратини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилганлиги билан ҳам «Адолат» СДП дастурий вазифаларига тўла мослигини алоҳида қайд этдилар.

Раъно ГАИМОВА,
фракция аъзоси:

— Киритилаётган тузатишлар давлат назорати органларининг сугурталовчилардан зарур маълумотлар олиш имкониятини назарда тутди, бу эса сугурталовчиларга сугурта қилдирувчилар, сугурталанган шахслар ва наф олувчилар, шунингдек, сугурта қилинган мол-мулк ва сугурта суммаси тўғрисидаги маълумотларни давлат бошқарувининг тегишли органларига етказиб бериш имконини беради. Мазкур норма сугурта қилдирувчиларнинг сугурта қилиш мажбуриятлари бажарилганлигини аниқлаш учун зарур ахборотдан белгиланган тартибда фойдаланилишини таъминлайди. Бу эса партиямиз дастурида илгари сурилган ошқоралик, очиклик ва ҳисобдорлик тамойилларига ҳамохандир. Шу сабабли фракциямиз уни қўллаб-қувватлайди.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда фракция аъзолари томонидан қизгин муҳокама қилинди.

Хабарингиз бор, мазкур қонун лойиҳаси болаларнинг мажбурий ўн икки йиллик таълим олиши масалаларини тартибга солувчи ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштиришга қаратилган.

Феруза ОМОНОВА,
фракция аъзоси:

— Қонун лойиҳасида болаларнинг мажбурий умумий ўрта ва ўрта махус, касб-ҳунар таълими олишига ота-оналарнинг ўқиш улар ўрнини босувчи шахсларнинг тўққинлик қилганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгиланиши назарда тутилган. Таклиф этилаётган чора-тад-



Хусан АСРОПОВ

Билим ва тафаккур синовини

Давоми. Бошқ 1-бетда

Ушбу қарорга кўра, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илгор услубларини жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлоднинг чет тилларга ўқитиш, хорижий тилларда эркин сўзлаш олади-ган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети хорижий тиллар ва адабиёти бўйича мутахассис кадрлар етказиб берувчи етакчи олий таълим даргоҳи саналади. Жорий йилда мазкур олий ўқув юртига талаба бўлиш истагидаги ёшлардан 8243 ариза тушган. Бакалаврият йўналиши бўйича 385 нафар ёш давлат гранти ва 965 нафар йигит-қиз тўлов-шартнома асосида қабул қилинади.

Мамлакатимизда ёш авлод маънавиятини юксалтириш, унинг ўнги шуурини миллий ҳаёт тартибига зид бўлган зарарли ғоялар, глобаллашув жараёнида тобора кучайиб бораётган «оммавий маданият»нинг хатарли таъсиридан ишончли тарзда ҳимоялаш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 4 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори театр, кино, телевидение, халқ ижодиётини ривожлантириш борасидаги замонавий талабларга, халқимизнинг тобора ортиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларига жавоб берадиган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш даражаси ва сифатини тубдан оширишда яна бир муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимиз олий ўқув юртлари орасида ахборот ва телекоммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлайдиган етакчи техника университети — Тошкент ахборот технологиялари университетининг ёшлар ўртасидаги нуфузи жуда баланд. Айни пайтда ушбу университет битирувчиларига талаб ортиб бораётти. Чунки, Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари тобора кенг жорий этилмоқда. Бугун Тошкент ахборот техно-

логиялари университетининг фаолияти телефон ва почта алоқаси, компьютер технологияларига хизмат кўрсатиш, телевидение, шунингдек, ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказлари учун мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган. Бундан ташқари, университет нафақат таълим муассасаси, балки дастурий таъминот ва янги технологияларни яратиш маркази ҳамдир.

Тошкент ахборот технологиялари университети қабул комиссиясининг масъул котиби Уткир Ҳамдамовнинг айтишича, бакалавриятнинг «Информатика ва ахборот технологиялари», «Телевидение, радиоалоқа ва радио эшитириш», «Телекоммуникация», «Мобиль алоқа тизимлари», «Ахборот хавфсизлиги» каби йўналишларига энг кўп ҳўжат топширилган. Масалан, бу йил «Компьютер инжиниринг» йўналиши бўйича 2183, «Телекоммуникация» йўналиши бўйича эса 1953 ариза қабул қилинган.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 11 июнда қабул қилинган «2013/2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жорий йилда мамлакатимиз талаба ёшларининг сафига 56607 нафар бакалавр қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази маълумотларига кўра, жорий йилда олий ўқув юртларига кириш учун абитуриентлардан аввалги йиллардагига нисбатан анча кўп — 480 миңдан ортқ ариза тушган. Жумладан, энг кўп ариза Термиз давлат университетига тушган: 1660 ўринга 24877 ариза (бир ўринга — 14,99 даъвогар). Гулистон давлат университетига — 900 ўринга 13169 ариза (14,63), Қарши давлат университетига — 1245 ўринга 17701 (14,22) ариза қабул қилинган.

Бу мамлакатимиз ёшлари ўртасида олий таълим олишга бўлган қизиқиш ва интилишнинг тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Назokat УСМОНОВА,
Мехрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА муҳбирлари.
А.АБДУЛЛАЕВ,
Е.ШАМСИДИНОВ (ЎЗА)
олган суратлар

Фарҳод ЭСОНОВ,
«Adolat» муҳбири

Ижтимоий муҳофаза — ю туқлар омили



Фаолият

Мустақиллик йилларида қуриб ишга туширилган ва мамлакатимиз иқтисодиётига муносиб улуш қўшиб келаётган гигант ишлаб чиқариш корхоналаридан бири — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг бугунги салоҳияти ҳавас қилишга арзигулик. “Сахро бағридаги мўъжиза” дея эътироф этиладиган мазкур корхонанинг барпо этилиши юртимиз Ўзбекистоннинг улкан имкониятларга эга мамлакат эканлигидан далолат бериши баробарида халқимизнинг яратувчанлик ғайрат-шижоатининг ёрқин бир намунаси ҳамдир.

ЧЎЛ БАҒРИДАГИ МЎЪЖИЗА

Юртбошимиз раҳнамолигида Қоровулбозор массивида қад ростлаган ушбу улкан sanoat мажмуаси нафақат республикамиз, балки жаҳон нефть ва газ sanoatининг энг замонавий ва ноёб корхоналаридан бири ҳисобланади. Унинг асосий фаолияти нефть ва газ конденсатини қайта ишлашга йўналтирилган бўлиб, бир йилда 2,5 млн. тонна углеводород хомашёсини қайта ишлаш қувватига эгадир. Мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида салоҳиятга эга мазкур корхонада нефть ва газ конденсатини қайта ишлаш звонига автобензин, авиакеросин, дизель ёнилғиси, углеводород эриткичи, мазут, сульфурланган газ, олтингургут каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилаяпти. Кейинги йилларда улар турини янада кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ва халқаро стандартларга мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастурлари бўйича бир қатор модернизациялаш ишлари амалга оширилди. Хусусан, юқори октанли «Аи-91», «Аи-93», «Аи-95» русумли автобензин ёнилғиси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2006-2008 йилларда дизель ёнилғисининг экологик жиҳатдан сифат кўрсаткичларини яхшилаш борасида олиб борилган ишлар натижасида 2008 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб жаҳон стандартларига мос ва совуқ ҳароратларга чидамли ёнилғиларни тайёрлаш технологиялари ўзлаштирилди. 2007-2009 йилларда «Боинг» ва «Аэробус» русумли ҳаво лайнерларига мўлжалланган «Джет А-1» русумли авиация ёнилғисини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган завод тарихидаги катта воқеалардан бирига айланди. Цехларнинг технологик инфраструктураси модернизация қилинди ва резервуарлар янги авиация ёнилғисини сақлашга мослаштирилди. Корхона марказий лабораториясида авиация ёнилғисини АСИМ (АҚШ) стандартлари услубида синовдан ўтказиш учун алоҳида замонавий лаборатория жиҳозланди.

Заводнинг фаолият бошлаши билан воҳанинг энг чекка ва кенжа Қоровулбозор тумани қисқа вақт ичида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бу ерда кенг қўламдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бугун туман марказида қад ростлаган бир-бирдан муҳташам таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш муассасалари, маданий хордиқ чиқариш ва дам олиш масканлари, савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини кўрган кишининг кўзи қувнайди. Уларда кўрсатилаётган замонавий хизмат турларидан туман аҳолиси баҳраманд бўлаёттир. Корхонада меҳнат қилаётган минглаб ишчи ва мутахассисларнинг аксарияти яхлит



лойиҳа асосида қурилган нефтчилар шаҳарчасидаги кўркам, қатор қулайликларга эга уй-жойларда истиқомат қилишади. Табиий газ, тоза ичимлик суви, замонавий алоқа, ахборот ва телекоммуникация ҳамда бошқа бир қатор инфратузилма объектларининг ишга туширилиши аҳолининг турмуш даражасини сезиларли даражада юксалтирди. Завод қошида ташкил этилган ёрдамчи хўжалик, кичик корхоналар ва ишлаб чиқариш цехлари ҳам тумандаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда, энг асосийси, аҳоли ўртасида ишсизликни камайтиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Машаққатли касб эгалари — нефтчиларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириб бориш, хусусан, уларни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, дам олишини ташкил этиш, саломатлигини тиклаш, қонуний ҳақ-хўқуқларини ҳимоя қилиш каби масалалар завод бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси ва унинг куйи бўғинлари зиммасига юклатилган масъулиятли вазифадир.

— Мамлакатимизда “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши нодавлат нотижорат ташкилотларига берилаётган эътиборнинг яққол намунаси дидир. Ўтган даврда ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш масалалари бошланғич касаба уюшмаси кўмитасининг доимий диққат марказида бўлди, — дейди завод касаба уюшма кўмитаси раиси Ҳошим Қосимов. — Иж-



тимоий шерикчилик тамойили асосида касаба уюшмаси кўмитаси ва раҳбарият ўртасида тузилган Жамоа шартномаси имкониятларидан кенг фойдаланиб, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, улар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Жамоа шартномасини тузиш ва унинг ижросини таъминлашда ижобий ўсишга эришилди.



...завод оталигида бўлган 2 нафар ногирон, 5 нафар ишлаб чиқаришда боқувчисини йўқотган оила, 115 нафар пенсионерлар ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Ходимларни соғломлаштириш учун 164 миллион 392 минг 800 сўм, “Нефтичи” болалар оромгоҳида минг нафардан ортиқ болажонларнинг дам олишини ташкил этиш мақсадида 306 миллион 846 минг сўм, меҳнатни муҳофаза қилиш ишларига 238 миллион 755 минг сўм, ишчиларнинг дам олиш кунларини мароқли ташкил этишга 43 миллион сўм, завод тасарруфидаги ахборот-ресурс марказини янги адабиётлар билан бойитишга 156 миллион сўм маблағ сарфланган.

КАСАБА УЮШМА КЎМИТАСИ — МЕХНАТКАШЛАР ХИМОЯЧИСИ

Завод бошланғич касаба уюшма кўмитаси таркибида ҳозирги пайтда 33 та цех касабаси кўмиталари ва 12 та касаба уюшма гуруҳлари мавжуд. Уюшма аъзолари сони эса 3 минг 397 нафарни ташкил этади. Касаба уюшма кўмитаси ўз иш-режаси асосида ходимлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясининг ҳуқуқий негизини, ижтимоий шерикчиликни шакллантириш, меҳнат муҳофазаси, ишчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, дам олишларини ташкил этиш, ойлик маошларининг ўз вақтида тўланишини назорат қилиш, улар ўртасида жисмоний ва маънавий-маърифий ишларни ривожлантириш борасида изчил иш олиб бормоқда.

Касаба уюшмаси кўмитаси олдида турган вазифалар гоятда серкирра. Шулардан бири — ишчи-ҳодимларнинг иш ҳақи ва даромадларини оширишга кўмаклашидир. Ўтган йил давомида ойлик иш ҳақлари миқдори 1,33 баробарга ортиб, энг кам иш ҳақи 179 минг 151 сўмни ва ўртача иш ҳақи эса 1 миллион 223 минг 400 сўмни ташкил қилди.

ларнинг дам олишини ташкил этиш мақсадида 306 миллион 846 минг сўм, меҳнатни муҳофаза қилиш ишларига 238 миллион 755 минг сўм, ишчиларнинг дам олиш кунларини мароқли ташкил этишга 43 миллион сўм, завод тасарруфидаги ахборот-ресурс марказини янги адабиётлар билан бойитишга 156 миллион сўм маблағ сарфланган.

Шунингдек, завод касаба уюшмаси кўмитасига ишчи-ҳодимлар ва бошқа фуқаролар-

кам таъминланган оилаларнинг 60 нафар фарзандларига эса соғломлаштириш оромгоҳларига белул йўлланмалар берилган.

ЯХШИ ДАМ, МЕХНАТГА ҲАМДАМ

Касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи ҳам-маъмурият ва касаба уюшмаси кўмитасининг доимий эътиборида. Шу мақсадда 65 нафар коллеж битирувчиларининг заводда амали-

йўлга қўйилган. Жумладан, нефтчилар истиқомат қилаётган Ал-Бухорий номли маҳалла фуқаролар йиғини билан биргаликда “Энг саранжом хонадон”, “Энг намунали оила” каби тадбирлар ўтказилиб, уларнинг голиблари кўмита томонидан тақдирланган.

Завод касаба уюшма кўмитасининг режалари ҳам улкан. Улардан кўзланган асосий мақсад эса ишчи-ҳодимларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза этиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришишдан иборат.

Қоровулбозор — Бухоро вилоятининг кенжа тумани. Туманда аҳоли сони 14 минг нафардан ортиқ. Чўл ҳудуди бўлгани учун иқлимда нисбатан бироз мураккаблик бор. Қиши — совуқ, ёзи — жазирама. Бу ерда яшаб, меҳнат қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келармайдими. Аммо ҳозирги муқим аҳоли — юрагида ўти, қалбида ғурури бўлган инсонлар самарали меҳнат қилиб, фаровон ҳаёт кечирмоқда.

Нефтни қайта ишлаш корхонасининг ишга туширилиши нафақат туман иқтисодий имкониятларини кенгайтирди, балки ижтимоий, маданий-маиший соҳаларнинг ҳам кескин ривожланишига, туман марказининг гўзал шаҳарча қиёфа касб этишига олиб келди. Чунончи, кейинги йилларда бу ерда бунёд этилган ёшлар маркази, сунъий қўл, саломатлик, маданият ва спорт мажмуалари, деҳқон бозори, ҳаммом ҳамда бошқа объектлар завод ишчи-хизматчиларидан ташқари туманнинг барча аҳолисига хизмат қилиб келаяпти.

Булардан ташқари, аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, ободончилик ва бунёдкорлик соҳасидаги ишлар ҳам алоҳида эътиборга молик. Завод ҳузурида чорвачилик мажмуаси, йирик ҳажмдаги иссиқхона, сутни қайта ишлаш корхонаси, нонвойхоналар хизмати, касаначилик йўлга қўйилган.

Мухтасар қилиб айтганда, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи Қоровулбозорнинг том маънодаги мўъжизасидир. Кумликлар бағрида қисқа муддатларда барпо этилган мўъжизагина шаҳарча, ҳақиқатан ҳам, йилдан-йилга эртақлардаги каби сеҳрли диёрга айланиб бормоқда.



дан жами 1639 та ёзма ва 30 та оғзаки мурожаатлар келиб тушган бўлиб, уларни ижобий ҳал этиш мақсадида ҳам зарур маблағлар ажратилган. Бундан ташқари, муҳим сана ва байрамлар муносабати ҳамда кўмитанинг иш режасига асосан спортнинг ўндан ортиқ турлари бўйича мусобақалар, кўрик-танловлари ўтказилиб, ходимларни соғломлаштириш, мароқли дам олишларини ташкиллаштириш ҳамда голибларни муносиб тақдирлашга ҳам эътибор қаратилган.

Бу каби саъй-ҳаракатлар жорий йилда ҳам режа асосида олиб борилмоқда. Ўтган ярим йил давомида аҳоли фаровонлигини, уларнинг реал даромадини ошириш, бандликни таъминлаш, аҳолини, биринчи навбатда, ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлам ва кам таъминланган оилаларга манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш юзасидан корхонада касаначилик асосида 10 та иш ўрни яратилди. 170 нафар кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 30 нафар ёш оилаларнинг ҳар бирига уй-рўзғор ва маиший техника буюмлари сотиб олиш учун 35 миллион сўмдан фойсиз кредитлар ажратилди. Ёш болали оналарга тегишли тартибда имтиёзлар,

ёт ўташи учун шароит яратилди. Уларнинг 42 нафарига касаба уюшма кўмитаси ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилган.

Корхона ишчи-ҳодимларининг фарзандларини соғломлаштириш мақсадида “Нефтичи” оромгоҳида катта ҳажмдаги тайёргарлик ишлари олиб борилди. Мавсум давомида бу ерда корхона ишчиларининг 1000 нафар фарзанди дам олди. 60 нафар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун оромгоҳга завод ҳисобидан белул йўлланмалар берилди. Касаба уюшмаси ташаббуси билан бу ерда инглиз тили курслари ва турли кўнгилочар тадбирлар ўтказилган.

Наврўз умумхалқ байрами, Халқаро хотин-қизлар куни, Хотин ва қадрлаш куни муносабати билан корхонада бир қатор тадбирлар ўтказилиб, меҳнат қилаётган 1193 нафар илғор хотин-қизлар ҳамда 117 нафар меҳнат фахрийлари рағбатлантирилган.

Кўмита ташаббуси билан меҳнаткашларнинг дам олишларини ташкил этиш мақсадида 250 нафар ходимнинг Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари бўйлаб саёҳати ташкил этилган.

Завод касаба уюшмасининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари ҳам яхши

Жараён

Фуқаро кузатувчи эмас, иштирокчига айланса

қонун лойиҳасини такомиллаштириш, бошқарувда очиқликни таъминлаш, ахборот олиш ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш имкониятлари кенгайтириш

Хуқуқий эксперимент

Кун тартибдаги долзарб масала муҳокама масиға бағишланган бу галдаги фойдали мулоқотнинг ташаббускори ҳам «Адолат» СДПнинг Самарқанд вилояти Кенгаши бўлди. Партиянинг бевосита кўмағида Самарқанд тумани маркази — Гулобод кўрғонида махсус экспертлар, ҳокимлик вакиллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, «Адолат» СДПнинг шаҳар ва туманлар кенгашлари раислари, маҳалла оқсоқоллари жамланган йиғилишда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини, унинг фуқаролик жамияти тараққиётининг таъсири ҳар томонлама муҳокама этилди. Шу муносабат билан Самарқанд вилоятида ўтказилаётган хуқуқий эксперимент самарадорлигини таъминлаш омиллари ҳусусида қизғин баҳс-мунозаралар юритилди.

ролик жамиятининг асосини ташкил этади. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эса жамият тараққиётининг мағзи, демократик ислохотларга янги куч ва мазмун бағишлайдиган омил сифатида баҳоланмоқда.

Энди сиёсий ташкилотларнинг мазкур жараёнда иштироки қандай бўлиши кераклиги ҳусусида тўхталиб қолган бўлса, даставвал шуни таъкидлаш ўринлики, партиалар фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ташкилотлари ўртасида алоҳида мавқе ва ваколатга эга куч ҳисобланади. Аниқроқ айтганда, сиёсий партиалар ижро ҳокимияти ва бошқаруви идораларига маҳаллий ҳокимиятнинг вакиллик органи, депутатлар орқали бевосита таъсир кўрсата оlishади. Демакки, у ёки бу ижтимоий масаланинг ижросини назорат қилишда. Бошқарув органлари раҳбарларининг ҳисоботини эшитишда. Фуқаро муносабатлари асосида қандай қарорлар қабул қилинаётганлигидан хабардор бўлиб боришда.

Этибор беринг: хуқуқий эксперимент амал қила бошлаганидан буён Самарқанд вилоят ҳокимлиги ва давлат бошқаруви идораларига 1500 тадан ортиқ муносабат келиб тушган. Уларни ўз вақтида кўриб чиқиш, ҳисобга олишда бошқарув идоралари ва ахборот хизматларидан фаоллик талаб этилаётган, маълумот тарқатишда ҳозиржавоблик, ҳақонийлик сураляпти. Мақсад фуқаро-муносабат бўйича давлат органининг ҳар битта қарори қонунийлигини таъминлашдан иборат. Мулоқот жараёнида шу нарсга амин бўлдики, Самарқанд тумани

да хуқуқий экспериментнинг аҳамиятидан, талабларидан бошқарув идоралари, сиёсий партиалар, депутатлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар кўпроқ даражада хабардор бўлиб ҳаракат қилишга интилоқдалар. Тадбиркорлик субъектлари, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар-агросервис, банк, молия, коммунал идоралари ва аҳоли ўртасидаги муносабатлар тобора хуқуқий асосга тушиб бораётганлиги шундан далолат бермоқда. Гулобод кўрғонидаги мулоқот эса бошқарув бўғинлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларда янги, этибор талаб қирраларни аниқлашга ёрдам берди. Бошқарувда очиқлик-ошкораликни таъминлашда қуйдан назоратни амалга ошириш ҳар томонлама фойдали эканлигини, чунки шундай назоратга жазм қилган фуқаро ўзини тартиб ўрнатишга кўпроқ дахлдор, деб ҳисоблашни кўрсатди.

— **Бевосита меҳнат жамоаларида, аҳоли яшаш жойларида иш олиб бораётган бошланғич идоралари билан муносабатга киришишларида ўз ҳуқуқ-мажбуриятларини англаб олишлари, ҳаракат қилишлари учун бериладиган имконият. Шундай эмасми?**

— Албатта. Бошланғич партиа ташкилоти аҳолига яқин бўлгани боис унинг ижтимоий муаммоларидан яхшироқ хабардор. Агар у партиа кенгаши, депутатлар кўмағида таяниб ишлаётган бўлса бошқарувда очиқликни таъминлаш орқали айрим ижтимоий муаммоларни кун тартибига олиб чиқиши, ҳал этишига умид қилиса бўлади. Самарқанд туманида «Адолат» СДПнинг юздан ортиқ бошланғич ташкилотли мавжудлиги, уларнинг аксарияти йриқ саноат корхоналари қошида иш олиб бораётгани мулоқот чоғида маъ-

лум бўлдики, бу ҳолат БПТларнинг фаолиятига янада кенгрок амалий тус бериш лозимлигини кўрсатмоқда.

— **Партия Кенгаши ёки унинг бошланғич ташкилоти фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқларига амал қилиши ёхуд ижтимоий муаммолар бўйича муносабатлари кўриб чиқилишида назоратчилик ролини кучайтиришлари керак, деб ҳисоблаясиз. Бошқарув идораларидан маълумот олиш имкониятлари ҳақида фуқароларнинг ўзлари қандай фикрлар?**

— Хуқуқий эксперимент фуқаронинг бошқарув идораларидан ахборот олиш эҳтиёжи қондирилишининга аниқлашмайди. Фуқаро учун ҳамма маълумотнинг кераги бўлмаслиги мумкин. Гап шундаки, у талаб қилинган ахборотни вақтида олиши, ўз ижтимоий муаммосига дахлдор жавобга эга бўлиши лозим. Шундангина унинг давлат органларига нисбатан ишонч-этибори мустаҳкамланади.

— **Демак, жамоатчилик назорати ҳамма соҳани, шу жумладан, йўлсозлик соҳасини қамраб олиши, тартиб ўрнатишга кўмаклашиши зарур. Айни чоғда хуқуқий экспериментдан мақсад ҳам фуқароларга давлат идоралари билан муносабатга киришишларида ўз ҳуқуқ-мажбуриятларини англаб олишлари, ҳаракат қилишлари учун бериладиган имконият. Шундай эмасми?**

— Тўғри таъкидладингиз. Гап ана шу имкониятдан қандай фойдаланишда, жамиятга нисбатан бефарқликдан ҳалос бўлиб ҳар битта ижтимоий муаммони ҳал этишга шахсий дахлдорлик билан қарашда.

Суҳбатдош:
Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Адолат» муҳбири

Фаолият

Бунёд этилаётган бино, иншоотнинг мустаҳкам ва хавфсиз, турли табиий офатлар, сейсмик таъсирларга бардошли бўлиши кўп жиҳатдан қурилиш маҳсулотлари сифатига боғлиқ. Қашқадорё вилояти Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси Қурилиш-да стандартлаштириш ва қурилиш буюмларини сертификатлаштириш бошқармасининг қурилиш маҳсулотларини сертификатлаштириш бўлими ва синов лабораторияси мана шу талабни амалга оширишда салмоқли ишларни амалга ошириб келаётир.

Сертификатланган маҳсулот — сифатга кафолат

Ушбу сертификатлаштириш идораси аккредитация миллий тизимида Oz DSt 16.10:2009 стандартга бўйича аккредитация талабларига мувофиқлиги тасдиқланган гувоҳнома ва СИ низоми асосида фаолият олиб бориб, ҳозирда 79 номдаги қурилиш маҳсулотлари сертификатлаштириш ишларини бажариб келмоқда. Албатта, бунда сертификатлаштириш бўйича ишларни ўтказиш қоидалари ҳамда «Узстандарт» агентлиги томонидан жорий этилган ташкилий-услубий ҳужжатларда ўрнатилган талаблар асос қилиниб, қурилиш-индустрия маҳсулотларини сертификатлашда белгиланган тартиб ва қоидаларга риоя қилиниши, бажарилган сертификатлаштириш ишларининг натижалари ишончилиги ва объективлигини, чет эл сертификатларини тан олиш, импорт маҳсулотларини сертификатлаштириш жараёнларини тўлиқ меъёрий ҳужжат талабларига мувофиқ олиб бориш таъминланади.

— Қурилиш маҳсулотларининг синовлари инспекция таркибига кирувчи аккредитланган мустақил қурилиш лабораториясида ўтказилади, — дейди сертификатлаштириш идораси бошлиғи Хонназар Ойназаров. — Бундан ташқари, СИ «Аккредитланган синов лабораториялари ва назорат идоралари билан ҳамкорлик қилиш тартиби» ҳужжати асосида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ташқи савдо операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиботларни либераллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори билан гигиеник сертификация қилинадиган товарлар рўйхатига асосан тадбиркор-

лик фаолияти субъектларига агентлик хизмати кўрсатиш мақсадида вилоят ДСЭНМ билан билан ҳамкорлик ишларини амалга ошириш бўйича шартнома тузилган.

Сертификатлаштириш идорасининг фаолиятига назар ташлайдиган бўлса, жорий йил июнь ойига қадар жами 69 донга мувофиқлик сертификати ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорларга тақдим этилди. 37 та ташкилот билан эса «Келишув» шартномаси тузишга эришилди. Сертификатланган маҳсулотлар юзасидан 43 та корхонада инспекцион назорат текшируви ўтказилиб, ушбу жараён давомида 5 та мувофиқлик сертификати амалдаги меъёр талабларига мос келмаганлиги боис бекор қилинди. Айни пайтда тадбиркорлик субъектларига сертификатлаштириш идораси ходимлари ишлаб чиқарилган маҳсулотларни лаборатория синовидан ўтказиб, синов баённомаларини ўз вақтида расмийлаштириб бермоқдалар. Умуман аккредитация доирасида бўйича лаборатория 25 тур маҳсулот бўйича 73 та синов кўрсаткичларини аниқлаш имкониятига эга.

Албатта, қурилиш маҳсулотларини бу каби сертификатлаштириш идораларида синов, расмийлаштириш маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш борабаради миқозлар этибори ва ишончини қозониши шубҳасиз. Шундай экан, ҳар қандай мулк эгаси, ҳар бир фуқаро бу борада этиборлироқ бўлсалар, фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Давур ЖОЗИЛОВ

Электорат манфаатлари йўлида

Депутатлик гуруҳларида

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш жараёнида фаол иштирок этиш, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларига партиа сайловолди дастурига мос долзарб масалаларни киритиш ва тегишли қарорлар қабул қилинишига эришиш маҳаллий Кенгашлар депутатлари зиммасидаги энг устувор вазифа бўлиб қолмоқда.



татлик сўрови юборилди. Эътиборлиси, бу борадаги муаммоларнинг аксарияти ижобий ечим топди.

Партия мақсад ва ғоялари тарғиботида, сайловолди дастурларида белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлашда, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳақонийликни таъминлашда маҳаллий депутатларнинг сайловчилар билан ўтказган 30 га яқин учрашувларида 5000 дан зиёд фуқаролар иштирок этди. Энг муҳими, сайловчиларга юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг моҳияти, Ўзбекистон «Адолат» СДП илгари сураётган тақдир ва ташаббуслар содда тилда тушунтириб берилди.

Туманда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари доирасида «Маҳалла», «Камолот» ЕИХ каби жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда битирувчиларни, мuddатли ҳарбий хизматдан қайтган

ёшларни ишга жойлаштириш мақсадида «Биллур текс» МЧЖ биносида депутатлик гуруҳи ташаббуси билан бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Ярмарка якуни бўйича 90 нафар маҳаллий ёшлар доимий иш билан таъминланди.

Президентимизнинг «Заоманавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жойлаштириш ва ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг ижроси юзасидан вилоят ва туманлар ҳокимликлари ҳамда муносабатли ташкилотлар ўртасида ўзаро электрон ҳужжат айланиш тизими йўлга қўйилган. Тизимнинг афзаллиги шундаки, фуқаролар юборган муносабатларига қисқа муддатларда жавоб олиш имкониятига эга бўлишмоқда.

Олайлиқ, Янгийўл туман ҳокимлигининг электрон почтасига 5 ой мобайнида ижтимоий-иқтисодий, маиший, хуқуқий мавзуда 500 дан зиёд муносабат-

лар келиб тушган. Партия депутатлик гуруҳига тегишли бўлган 61 та муносабатнинг 50 таси депутатлар Г.Мияссарова, А.Азимов ва Б.Пўлатов иштирокида ижобий ҳал этилишига эришилди.

Хулоса қилиб айтганда, Янгийўл туманида Ўзбекистон «Адолат» СДПдан сайланган халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашлари депутатлари «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиаларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутати мақоми тўғрисида»ги қонун асосида халқ депутатлари туман кенгашида тузилган доимий комиссия ҳамда депутатлик гуруҳида қабул қилинган режа асосида ўз ваколатларидан унумли фойдаланишга уринмоқдалар.

Абдувоҳид ТўРАЕВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Тошкент вилояти Кенгаши
матбуот котиби

Шу маънода Янгийўл туман кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам партиа дастурига ҳамма мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, сайловчилардан ташаббуслар муносабатлари асосида жойларда учраётган ижтимоий-иқтисодий камчиликларни бартараф этиш борасида амалий саъй-ҳаракатларга қўл урмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашида 3 нафар, Янгийўл туман кенгашида 7 нафар депутат электорат манфаатини ҳимоя қилапти. Бўшаб қолган ўринларга ўтказилган сайловларда халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳамда туман кенгашига бир нафардан депутат сайлангани улар имкониятини янада оширди.

Депутатлик гуруҳи раҳбари Гулнора Мияссарова Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссия аъзоси. Комиссиянинг 2013 йилга мўлжалланган иш режасини тузиш ва унинг ижросини назорат қилишда фаол депутат сифатида «Обод турмуш йили»га бағишланган қатор тадбирлар уюштирилишига бош-қош бўлмоқда. «Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам», «Отананинг бола тарбиясидаги шахсий ибрати», «Оғоҳлик — тинчлик ва барқарорлик гарови», «Ёшларни касбга йўналти-

ришда мактаб ва маҳалланинг ўрни» каби тадбирлар, аниқлса, эътиборга моликдир.

Депутатлик гуруҳи ташаббуси билан Янгийўл туманидаги «Кичиктоғлар уйи»га 1,5 млн. сўмлик кийим-кечак, озиқ-овроқ, ўйинчоқлар ҳада қилинди, «Халқобод» маҳалласида истикомат қилувчи кам таъминланган ўн та оилага моддий ёрдам кўрсатилди. «Ниёзбош», «А.Ортиқов», «Халқобод» кишлоқ фуқаролик йиғинларида касаначилик йўли билан 30 га яқин янги иш ўринлари яратилган, туғруқ ёшидаги 9 нафар аёлга маҳалла тиббий ёрдам кўрсатилган ҳам аҳолининг «Адолат» СДПга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Депутатлик гуруҳининг фуқаролар қабулхонаси мунтазам фаолиятда. Утган йили депутатлар қабулхоналарига сайловчилардан юздан ортиқ турли мавзуларда ёзма ва оғзаки муносабатлар келиб тушган бўлса, жорий йилнинг ўтган олти ойида бу кўрсаткич 50 тани ташкил этди.

Сайловчиларнинг тақлифлари юзасидан вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларига, тегишли ташкилотларга юборилган депутатлик сўровлари назоратга олинаётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларга 10 дан ортиқ депу-

Сўранг, жавоб берамиз!

Умрбод таъминлаш шarti билан уй-жойни бошқа шахсга бериш шартномасини тузиш тартиби ҳақида батафсил билмоқчи эдим.

Ф.Мардонов,
Ургут туман


Умрбод таъминлаш шarti билан уйни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Умрбод таъминлаш шarti билан уйни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасининг предмети бўлган турар жойдан фойдаланиш шu шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади. Шартномада турар жойдан фақат турар жойни бошқа шахсга бераётган ва уни олаётган шахс фойдаланиши назарда тутилиши, турар жойдан фойдаланиш тартиби белгилаб қўйилиши ёки белгилашмаслиги ёхуд турар жойни фойдаланиш учун учинчи шахсга (учинчи шахсларга) бериш ёки қонун йўли қўядиган бошқа усулда фойдаланиш белгилишини мумкин.

Умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ, бир тараф (олувчи) ёши ёки соғлиги туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган бошқа тараф (бошқа шахсга берувчи)ни натура ҳолида (уй-жой бериш, овқатлантириш, парваришlash ва зарур ёрдам кўрсатиш тарзида) умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини олади, бошқа шахсга берувчи эса олувчига уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани мулк қилиб бериш мажбуриятини олади.

Умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (квартирани) бошқа шахсга бериш шартномасида бошқа шахсга берувчига қандай моддий таъминот турлари берилиши, уларнинг пул билан ифодаланган бир ойлик баҳоси ва уй-жой (уйнинг бир қисми), квартиранинг қиймати кўрсатилиши лозим. Бериладиган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартира ва моддий таъминот қиймати тарафлар келишуви билан белгиланади. Умрбод таъминлаш шarti билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси ёзма шаклда тузилиши ва нотарий тасдиқланиши лозим.

Саволга Ургут туман 1-сон ДНИ
нотариуси А.КОРАКУЗОВ жавоб берди.



Янги ижтимоий бинолар: ташқарида +40°C, ичкарида +25°C

Инновация

Бугун бутун дунёда энергия захираларининг тобора камайиб бораётгани, табиатга етказилаётган катта миқдордаги зарар дунё давлатларини ташвишлантирмоқда. Шу сабабли инсоният «яшил иқтисодиёт» тамойилларини илгари сурмоқда. Она-сайёрамизда содир бўлаётган иқлим ўзгаришлари ва демографик жараёнлар ҳам шунга тақозо этмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам энергия тежамкорлигига, атмосферага чиқарилаётган зарарли газлар миқдорини камайтириш орқали ҳаётга «яшил иқтисодиёт»ни жорий этишга йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишга устувор вазифалар сифатида қаралмоқда. БМТ Тараққиёт Дастури, Глобал экологик фонд ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамкорлигида «Ўзбекистондаги ижтимоий биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш» лойиҳаси ана шундай мақсадларни илгари сурмоқда.

Янги қуриладиган ва қайта таъмирланаётган ижтимоий биноларда энергия самарадорлигини оширишга қаратилган мазкур лойиҳа ижтимоий объектларнинг қурилиш меъёрлари, энергия бошқаруви ва таъминоти тизимини мукамаллаштириш, маҳаллий мутахассислар салоҳиятини юксалтириш, энергияни тежаш бўйича зарур маълумотларни тарқатиш ҳамда мувофиқлаштириш борасида амалий саъй-ҳаракатларни олиб боради. Энергия самарадор бинолар эса ўз навбатида барча экологик талабларга жавоб бериши, иқтисодий тежамкорлиги, зарарли газларни камайтириши билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш лозимки, «Ўзбекистондаги ижтимоий биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш» лойиҳаси доирасида ҳамкорлар кўмағида Андижон ва Навоий вилоятларида 2 та янги мактаб қурилди ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарь ва Фарғона вилоятларида 4 та мактаб капитал таъмирланди. Бундан ташқари, Тошкент ва Навоий вилоятларида 2 та қишлоқ врачлик пункти ҳам капитал таъмирдан чиқарилди. Ушбу биноларнинг қурилиш ва таъмирлаш жараёнида инновацион қурилиш технологияларидан кенг фойдаланилди. Мазкур янги биноларда 31 фоиз қайта таъмирланган биноларда 67 фоиз энергия самарадорлигига эришилди.

Ўқинида лойиҳа доирасида фойдаланишга топширилган Фарғона ва Андижон вилоятларидаги намунавий бинолар билан таништириш, уларда энергия самарадорлигини ошириш борасида амалга

оширилган техник ечимлар натижаларини намойиш қилиш мақсадида журналистлар учун ташкил этилган медиа-турда бунга бевосита гувоҳ бўлдик.

Мазкур лойиҳанинг моҳияти, уни ҳаётга татбиқ этишдан кўзланган мақсад, ютуқ ва режалар хусусида батафсил маълумот олиш имкониятини яратган медиа саёҳатнинг биринчи кунини Фарғона вилояти, Риштон туманидаги лойиҳа доирасида қайта таъмирланган 2-иқтисослаштирилган мактаб билан танидик.

Ўзининг ташқи кўриниши ва кўркамлиги билан яққол кўзга ташланиб турган икки қаватли ушбу мактабда яқин атрофдаги 7 та қишлоқ аҳоли пункти фуқароларининг фарзандлари таълим-тарбия олиб келмоқда.



320 нафар ўқувчига мўлжалланган мактабда 21 та ўқув синфлари мавжуд.

Кўшма лойиҳа асосида бинони капитал таъмирлаш учун жами 592 914 000 сўмдан ортқ маблағ йўналтирилган бўлиб, бунда БМТТД ва ГЭФ томонидан киритилган инвестициянинг улуши 16 фоизни ташкил этди. Шунингдек, мактабнинг 1 м² майдонида энергия самарадор технологияларни қўллаш учун давлат томонидан 211,4 АҚШ доллари, БМТТД ва ГЭФ томонидан 40,2 АҚШ доллари ажратилган.

— Лойиҳа доирасида энергия самарадор технологиялар асосида капитал таъмирлаш учун танланган мазкур бинода дастлаб энергия аудиторларимиз томонидан ҳудуднинг иқлим шароитлари ва шунга

мос равишда бинони иситиш, совутиш ва ёруғлик билан таъминлаш учун сарфланадиган энергия миқдори мониторинг қилинди, — деди «Ўзбекистондаги ижтимоий биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш» лойиҳасининг намунавий объектлар бўлими бошлиғи Алишер Темиров. — Олиб борилган таҳлилларга таянган ҳолда мактабни таъмирлашда бино фасади, девори ҳамда поли намликни ўтказмайдиган, иссиқ ва совуққа, ёнғинга чидамли махсус плиталар билан изоляция қилинди. Қолаверса, бинонинг томи, деразалари, иситиш тармоғини реконструкция қилишда ҳам махсус технологиялар ҳамда иссиқлик тежовчи хомашёлардан фойдаланилди. Натижада мактаб биносининг иссиқлик тежамкорлиги ортди, энергия сарфи ўртача 60 фоизга қисқарди. Хусусан, биргина бинони қиш мавсумида иситиш учун аввалги йилларда ўртача 95,8 тонна кўмир сарфланган бўлса, капитал таъмирдан сўнг ушбу миқдор 37,6 тоннага қисқарди.

Дарҳақиқат, капитал таъмирдан сўнг бир ўқув йилини ўтказганда мактаб жамоасининг бу ерда яратилган шароитлар-

нашиллари учун ҳам қулайлик туғдиради.

Биз билан суҳбатда мактаб педагогик жамоаси яратилган ушбу шароитлар учун ҳукуматимизга, БМТТД, ГЭФга ҳамда мактаб қурилишида иштирок этган барча муҳандис, ишчи-хизматчиларга ўз миннатдорликларини билдиришди.

Медиа-турнинг иккинчи кунини лойиҳа доирасида Андижон вилояти, Қўрғонтепа туманидаги янгидан қурилиб фойдаланишга топширилган 39-умумтаълим мактаби билан танидик. Туманнинг чекка «Тошқўрғон» қишлоғида қад ростлаган бу муҳташам мактаб тўлалигича энергия тежамкор меъморий ечимлар асосида бунёд этилган. 2012-2013 ўқув йилида фойдаланишга топширилган ушбу мактабда 315 нафар ўқувчилар икки сменали тартибда, жаҳон андозаларига жавоб берадиган шароитларда таълим-тарбия олишмоқда.

Мактаб биносига кирар эканмиз, энг замонавий ўқув анжомлари билан жиҳозланган, кенг ва ёруғ синфхоналарни кўриб, очиги ҳавасимиз келди. Куннинг айнаи туш пайтида, ташқарида ҳаво ҳарорати +40°C дан юқори бўлган вақт-

барча қурилиш ишларида махсус қурилиш материаллари, изоляция қопламалардан, иссиқлик тежовчи хомашёлардан фойдаланилган бўлиб, уларнинг барчаси маҳаллий ишлаб чиқарувчилар махсулотлари эканлиги янада аҳамиятлидир. Янги меъёрлар асосида қурилган мактабда энергия сарфи 40 фоизга қисқариши таъминланмоқда. Лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, энергия тежамкор технологиялар орқали ҳавога чиқариладиган зарарли чиқиндилар миқдорини ҳам 40 фоиздан 60 фоизгача камайтиришга эришмоқдамиз.

Президентимизнинг Фармонига асосан жорий ўқув йилидан бошлаб бошланғич синф ўқувчиларига инглиз тилини ўқитиш учун мўлжалланган синфхоналарнинг жиҳозланиши ҳам медиа-тур иштирокчиларининг диққатини тортди. Шунингдек, муҳташам спорт зали ҳамда мактаб ҳовлисидаги экобоғ ҳам эътиборимиз марказида бўлди.

Биз билан суҳбатда Қўрғонтепа туман халқ таълими мурассалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташхис этиш бўлими ходимлари ҳамда мактаб ўқитувчилари бу ердаги шарт-шароитлар, қулайликлар ҳар томонлама самара бераётгани, бундан ота-оналар ҳам мамнун эканлигини, бу имкониятлар ўқувчиларнинг саломатлиги, фанларни яхши ўрнатилган, фан олимпиадаларида қатнашиб юқори натижаларга эришишлари, энг муҳими Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшувчи муносиб ёшлар бўлиб етишишлари учун асос бўлишини таъкидлашди.

Бир сўз билан айтганда, икки кунлик медиа-тур давомида БМТТД, Глобал экологик фонд ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамкорлигида «Ўзбекистондаги ижтимоий биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш» лойиҳаси доирасида Фарғона ва Андижон вилоятларида амалга оширилган ишларнинг қанчалик самара бераётганигига бевосита гувоҳ бўлиб қайдик. Ҳозирда мактаб ўқувчилари ёзги таътилда бўлганлиги сабабли дарс жараёнида билан танишиш ва ўқувчиларнинг фикрлари билан ўртоқлашиш имкони бўлмаган бўлса-да, ушбу мактабларда таълим олаётган ўғил-қизларнинг истиқлол берган имкониятлар асосида дунёнинг ҳеч бир давлатлари ёшларидан кам бўлмаган шароитларда ўз келажаклари учун муҳташам пойдевор яратётганликларига ишонч ҳосил қилдик.

Илёс САХАТОВ, «Adolat» мухбири

Жабрдийдалар сони ошмоқда

БМТнинг маълум қилишича, Афғонистонда беқарор сиёсий аҳвол туфайли тинч аҳоли орасида қурбон бўлаётганлар сони охириги вақтларда сезиларли кўпайган.

Ташкилот томонидан тайёрланган маърузада айтилишича, 2013 йилнинг биринчи ярмида мамлакатда 1300 нафардан зиёд киши ҳалок бўлиб, 2500 киши турли даражада яраланган. Утган йилнинг шу даври билан солиштирганда беғунох инсонлар орасида қурбон бўлганлар сони 23 фоизга ошган.

Афғонлар асосан йўл четларига ўрнатилган миналар портлашидан талофат кўраётган бўлса-да, қасддан уюштирилган ҳужумларда атайин нишонга олинаётганлар сони ҳам кўпайиб бормоқда.



Уяли телефон сабабчими?


Тезюрар поезд ҳайдовчиси Франсиско Хосе Гарсон Амо масъулиятсизликда гумонланмоқда. Аммо унга ҳозирча айблов қўйилмаган. Испаниядаги поезд ҳалокатини ўрганаётган терговчиларнинг айтишича, ҳалокат пайтида ҳайдовчи телефон орқали сўзлашаётган бўлган.



24 июль куни пойтахт Мадриддан мамлакат шимоли-ғарбидаги Ферроль шахрига йўлга чиққан тезюрар поезд Сантьяго-де-Компостелла шаҳри яқинида хавфли бурилишда рельсдан чиқиб кетган. Натижада 79 киши ҳалок бўлган эди. Галисия вилояти суди терговчилари эса рельсдан чиқиб чоғида поезд соатига 153 километр тезликда ҳаракатлаётган бўлганини айтишмоқда. Ваҳоланки, темир йўлнинг мазкур участкасида ҳаракатланиш тезлиги соатига 80 километрдан юқори натижага эришилган.

«Ақлли» жарроҳлик тифи

Лондондаги учта онкология касалхонасида «ақлли жарроҳлик тифи» тажриба сифатида қўлланилмоқда. Ушбу тиф жарроҳлик амалиёти чоғида саратонга чалинган барча тўқималарни битта қолдирмай аниқлаб, олиб ташлайди.



Тажриба муаллифлари бўлмиш Британиядаги Империл Коллеж тадқиқотчилари мазкур тиф тиббиётда улкан муваффақият, дейишмоқда. Кўп ҳолларда саратон амалиётидан кейин ҳам баъзи зарарланган тўқималар қолиб кетади ва касаллик яна бош кўтаради.

Аммо бу тиф билан ўтказилган жарроҳлик барча касал тўқималарни битта ҳам қолдирмай олиб ташлаши исботланди. Тифни амалиётда кенг татбиқ этиш ҳозирча қимматга тушади. Лекин келаси беш йил ичида Британиядаги барча онкология касалхоналари ушбу «ақлли тифни» ишлата бошлайдилар. Ўн йил ичида эса уни бутун дунё бўйлаб қўллаш имкони юзага келиши мумкин.

Мамнун Ҳусайн янги президент

Покистонда 30 июлда ўтган президентлик сайловининг дастлабки натижаларига қараганда, Мамнун Ҳусайн ғалаба қозонди. Овоз беришда Покистон парламентининг икки палатаси депутатлари ва тўрт вилоятдаги қонун чиқарувчи йиғинларнинг вакиллари иштирок этди.



Янги президент жорий йил сентябрида ваколати аяқуланган давлат раҳбари Осиф Али Зардорийнинг ўрнини эгаллайди. Мамнун Ҳусайн Бош вазир Навоз Шарифнинг «Покистон мусулмон лигаси» партиясидан президентликка номзод сифатида кўрсатилган. Маълумки, мазкур партия шу йил май ойида ўтказилган парламент сайловларида ҳам ғалаба қозонган эди. Мухолифатдаги «Покистон халқ партияси» президент сайловида бойкот эълон қилган.

Вьетнам раҳбари Вашингтонда

Чуонг Тан Шанг АҚШ ва Вьетнам ўртасидаги алоқалар яхшилангандан буён ўтган 20 йил ичида Оқ Уйга ташриф буюрган иккинчи раҳбар бўлди.



Унинг АҚШ президенти билан музокараларида ўзаро савдо-сотик, ҳарбий ҳамкорлик ҳамда Ханойнинг қўшнилари билан муносабатлари муҳокама қилинди.

АҚШ Вьетнамнинг Хитойдан кейинги иккинчи энг йирик савдо ҳамкоридир. Бу мамлакатнинг АҚШ етакчилигидаги эркин савдо макони — Осиё-Тинч океани ҳамкорлиги ташкилотидagi иштироки музокараларда алоҳида ўрин эгаллайди.

Иқтисодий кудрати ошиб бораётган бу давлат АҚШ компаниялари қизиқишини уйғотаётгани шубҳасиз. Утган ҳафта АҚШнинг энг йирик озиқ-овқат компанияларидан бири — Макдоналдс мамлакатда ўз ресторанини очишини эълон қилди. Вьетнам ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати вакили Луонг Тан Нги икки томонлама алоқалар 1995 йилдан буён чуқурлашганини таъкидлайди.

Сўнгги саҳифа

Ибратли маҳалланинг
Ибратли раиси

Муносабат

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она-Ватанга ва миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси учун «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидоги ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Тақдирланганлар орасида Наманган шаҳридаги «Шаршара» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собит Мансуров ҳам бор. У киши давлатимизнинг «Шўхрат» медалига сазовор бўлди.



Республикаси Қонунини назардан тўтмоқдаман. Қонун фуқаролар йиғинининг обрў-эътиборини оширишга хизмат қилиши аниқ. Айниқса, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш борасида берилган ваколатлар кўп муаммоларнинг ечимини ўз жойида топиш имконини беради. Бунинг учун биз намунали иш ташкил этишимиз, фаоллик кўрсатишимиз талаб этилади.

Азалдан маҳалла аҳоли яшайдиган маъмурий-ҳудудий бирликки асос бўлиб қолмай, ўзига хос яшаш тарзи, шарқона демократия намунаси ҳам ҳисобланган. У турли тадбирларни уюштириш, ободончиликни, тинч-тотув ҳаётни таъминлашда, оилавий низоларни бартараф этишда муҳим восита бўлган. Халқ сайлаб қўяди, оқсоқол эса ана шу ишларнинг бошида турган.

Бизнинг ҳақрамонимиз эса ҳудди шу иш учун туғилгандай. Собит ака табиятан вазмин ва босиқ одам. Педагог бўлгани учунми, шунчалик ишончли ва далилли сўзлайдики, исталган

кишига ўз фикрини ўтказа олади. Ўн олти йилдан бери маҳалла фуқаролар йиғинида раис. Бу ердаги ҳар бир киши танийди, ким нима билан нафас олаётганлигини, қандай яшаётганлигини яхши билади.

Маҳалла эса халқ тили билан айтганда, катта рўзгор. Масалан, «Шаршара»да 811 та хонадон, 1476 та оила бор. Аҳоли сони эса олти ярим мингдан зиёд. Кейинги йилларда маҳалла ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди. Биринчи навбатда, МФЙ ўзининг шинам идорасига эга бўлди. У саккиз хонадон хизматлари катта.

«Шаршара» шаҳримиздаги қадимий маҳаллалардан бири, — дейди «Маҳалла» жамоат фонди Наманган шаҳар бўлимининг раиси Аҳмаджон Мукаррамов. — Шундай ибратли маҳаллалар кўпайса, халқимиз ҳаёти янада фаровонлашиб, турмушимиз обод бўлиб бораверади.

Маҳалла гузари тобора обод бўлиб бораётгани ҳам шаршаралиқларни қувонтиради. Яқин давр ичида бу ерда 250 ўрин ошхона-чойхона, иккита касобхона, сартарошхона, дўконлар, қатор устaxonалар иш бошлади. Фаоллар маҳаллани оилавий тадбиркорлик масканига айлантириш бўйича қатор ишларни амалга ошироқдалар. Шу йилнинг ўзида чоғроқ

устaxonалардан ташқари, иккита кичик корхона фаолият бошлади. Йил охиригача яна учта шундай мўъжаз ишлаб чиқариш корхонаси очилади. Бу билан маҳалладаги тадбиркорлик субъектлари элликтага яқинлашиб қолади.

Маълумки, бугунги кунда маҳалла фуқаролар йиғини олди-га қўйилаётган вазифалар ниҳоятда кенг кўламли ва рангбаранг. Улар орасида ахлоқий-тарбиявий ишлардан тортиб, кам таъминланганларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашдан, ободончилик ва оқсоқолликни сақлашга бор.

Айниқса, коммунал тўловлар тўла адо этилиши долзарб масалалардан бири. Маҳалла фуқаролар йиғини бу борадаги ишларни мувофиқлаштириб боради. Хар бир кўчага фаоллар бириктирилган. Вақти-вақти билан уларнинг ҳисоботлари эшитиб борилади. Йил бошидан бери тўловлар режаси ойма-ой удалаб келинмоқда. Бунда МФЙ котиби Собитхон Азимов, диний-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчи Салтанат Нурматова, шунингдек, Оқилжон Дадахонов, Маҳмуджон Гофуров, Собитхон Ҳожимирзаев, Мирзахон Ҳабибуллаев ва Соҳижон Шарипов каби фаолларнинг хизматлари катта.

«Шаршара» шаҳримиздаги қадимий маҳаллалардан бири, — дейди «Маҳалла» жамоат фонди Наманган шаҳар бўлимининг раиси Аҳмаджон Мукаррамов. — Шундай ибратли маҳаллалар кўпайса, халқимиз ҳаёти янада фаровонлашиб, турмушимиз обод бўлиб бораверади.

«Шаршара» шаҳримиздаги қадимий маҳаллалардан бири, — дейди «Маҳалла» жамоат фонди Наманган шаҳар бўлимининг раиси Аҳмаджон Мукаррамов. — Шундай ибратли маҳаллалар кўпайса, халқимиз ҳаёти янада фаровонлашиб, турмушимиз обод бўлиб бораверади.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Наманган вилоят кенгаши
матбуот котиби

Жаннатмонанд
юртда яшашнинг
ўзи бир бахт...

«Давоми. Бош 1-бетда»

— Биз ҳаётимиз мобайнида не-не оғир кунларни бошдан ўтказмадик, — дейди Абдукарим ота биз билан суҳбатда. — Шўролар даврининг адолатсиз сиёсати туфайли зиёли, маърифатпарвар одамлар қатағонга учради. Бизнинг ота-боболаримиз ҳам таъқибга учраб, ўз туғилиб ўсган жойини ташлаб кетишга мажбур бўлишган. Бугун айрим кишилар ҳаётнинг арзимас ташвишларидан нолиётганини эшитиб ажабланаман. Ваҳоланки, ёшлик давримизда оч қолган, тўйиб овқат емаган одамларни кўп кўрдим. У вақтлари бугундай туғул макка, арпани кўзимизга суриб истеъмоқ қилардик. Пахта даласида ғўза баргидан чой қилиб ичишга мажбур бўлардик. Қаҳратон қиш кунларида ёшлар қатори ота-оналаримиз, бобо-момоларимиз ҳам пахта даласига ҳайдаларди.

Минг шўрки, бугунги доруломон кунларга етиб келдик. Ўзбекистонимиз мустақил бўлди, елкамизга офтоб тегиб, кадр-қимматимиз юксалди. Шулар ҳақида ўйлаб отам айтаётган бир ривоят ёдимга келади:

Узоқ йўл босиб келаётган мусофир пойабзали эскириб кетганидан нолиб, «Шунақа ҳам ночор одам бўламанми?» дея ҳоли забунлигидан афсусланаётган чекади.

Шунақа тушкун кайфиятда шаҳарга кириб келаётган, кўзи дарвоза тагида ўтирган тиланчига тушади. Унинг икки оёғи ҳам йўқ эди. Бу ҳолини кўрган мусофир: «Мен-ку, янги пойабзалим йўқлигидан нолиб ношўрлик қилибман, оёғим йўқ бўлса, нима қила олардим. Бу дунёда мендан ҳам ночорроқ одамлар бор эканда», дея тавба-тазарру қилган экан.

Бу қадим ривоят бугунги кунда ҳам ўз мазмун-моҳияти-

ни йўқотмаган. Бирор нарсага етиша олмаган одам, аввало, ўзидаги мавжуд нарсаларга назар солмоғи, бориға шўкр қилмоғи лозим. Зеро, қачонки, танамизнинг бирор жойи оғириса ёки шикаст етса, ўшандагина энг бебаҳо бойлик бўлган саломатликнинг қадрига ета бошлаймиз. Ана ўшанда дунёда кўзи ожизлар, оёқ ёки қўллар ишламай қолганлар, узоқ йиллардан буён оғир дард туфайли тўшаққа михланиб қолган беморлар ҳам борлигини ҳис қиламиз. Бу ҳиссиёт бизларни шўкр қилишга ундайди.

«Соғлиқ — инсон бошидаги тож бўлиб, уни фақат ва фақат соғлигини йўқотган кишилар кўра олади», дейишади. Ҳақ гап. Баъзида ишимиз юришмаётгани, қанча уринмайлик муваффақият ёр бўлмаётгани ҳақида нолишимиз. Шундай пайтларда шўкроналик билан ҳаёт кеираётган, тўрт мучаси бутлигини, кўнгил хотиржамлигини барча неъматлардан устун кўядиган инсонлар ҳам борлигини эслашимиз лозим.

Жаннатмонанд юртимизда тинчлик-омонлик, хотиржамлик ҳукм сураётгани буюк неъмат. Юрт тинчлиги қадрига етишимиз учун дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга боқмоғимиз кифой.

Ёшим 87 да. 7 нафар фарзандим ва 22 набирам, 12 эварам бор. Фарзандларим бугун эл-юрт қорига яраётганидан хурсандман. Дано Юрт-бошимиз бошчилигида озод ва обод юртимиз кундан-кунга чирой очиб бораётганини кўриб, кўзим қувнайди. Мамлакатимиз осуда, тинч ва барқарор эканлигига шўкроналар айтаман. Бундай юртда яшашнинг ўзи бир бахт, ўзи бир давлат.

Ҳулом ХИДИРОВ
ёзиб олди.

Янги musiқа ва
санъат мактаблари

Президентимизнинг «Болалар musiқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида Бухоро вилоятида ҳам кенг кўламли амалий ишлар олиб борилаётган.

Ўтган давр мобайнида бир қатор туманларда янги musiқа ва санъат мактаблари қуриб фойдаланишга топширилди. Бу йўналишдаги мавжуд мактабларда таъмирлаш ва қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилиб, ёш авлоднинг ўз истеъдод ҳамда иқтидорини юзага чиқариш учун имконият яратиб берилди.

Жорий ўқув йилида Олот ва Когон туманларида ана шундай янги иккита мактаб ёшларни ўз бағрига олади. Газли шаҳарчасидаги 17-сон musiқа ва санъат мактаби эса реконструкция қилинди.

— Қурилиш объектида сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилапти, — дейди Когон туманидаги 6-сон Болалар musiқа ва санъат мактабини бунёд этаётган «Олмос Тўра» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аваз Панов. — Мактаб қурилиши учун салкам 2,5 миллиард сўм маблағ ажратилган. Бино ўзининг нафақат ташқи кўриниши, балки юқори сифатли қурилиш маҳсулотларидан бунёд этилгани билан ҳам ажралиб туради.

Табиики, 150 нафар ўқувчига мўлжалланган мактабнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, малакали мутахассисларни жалб қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

«O'NINCHI AVTOSAROU»
масъулияти чекланган жамияти

«D» тоифага эга бўлган ҳайдовчиларни ишга қабул қилади.

Ўртача ойлик иш ҳақи «Мерседес-Бенц» автобуси ҳайдовчиларига 1 200 000 сўм.
Ўртача ойлик иш ҳақи «Исузу» автобуси ҳайдовчиларига 800 000 сўм.
Чипта сотувчиларга ўртача иш ҳақи 400 000 сўм.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Авайхон кўчаси 20-уй.

Телефонлар: 265-98-40, 265-17-59.

Жисмоний шахслар учун
омонатлар

Жисмоний шахслар учун омонатлар — бу сизнинг бўш пул маблағингизни нафақат кўпайиши, балки унинг хавфсиз сақланиши.

Сизнинг омонатингиз:

- банк сирини ҳисобланади;
- декларацияга киритилмайди;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод қилинади;
- ўз ихтиёрингиз бўйича чекланмаган тартибда фойдалана оласиз;
- қабул қилиш ҳажми чекланмаган.

«Ипотека-банк»даги омонатингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган.

Тел.: (8-371) 150-89-17,
(8-371) 150-89-57,
(8-371) 150-89-58.

www.ipotekabank.uz



Хизматлар лицензияланган.

«3-AВTОБУС САРОЙИ»
очиқ акциядорлик жамияти

«D» тоифага эга бўлган ҳайдовчиларни ишга қабул қилади.

Ўртача ойлик иш ҳақи «Мерседес-Бенц» автобуси ҳайдовчиларига 1 200 000 сўм.
Ўртача ойлик иш ҳақи «Исузу» автобуси ҳайдовчиларига 800 000 сўм.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги олмазор кўчаси, 57-уй.

Телефонлар: 248-64-45, 248-56-48.

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Таҳрир хайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқомил РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИКОВА, Маммажон ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қошир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Алишер МҲМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Аxbорот, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Маънавият ва маданият бўлими 288-46-64 (151); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибият — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — Қ.ҚҲҲИДШЕВ. Навбатчи — И.САХАТОВ

«Адолат»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgz.uz
adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

9 772091 521001

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй. Буюртма Ғ — 800. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 9074. Босишга топшириш вақти — 20.50. Босишга топширилди — 21.50

1 2 4 5